2008 ЙИЛ, 1 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 22 (11.083) | Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

●Тошкентда Россиянинг йирик компанияларидан бири — «Рибинсккомплекс» молия-саноат компанияси» ёпиқ акциядорлик жамиятининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

●Урганч тумани Бандликка кўмаклашиш маркази навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди. Тадбирда қатнашган 300 нафардан ортиқ иштирокчининг 105 нафари 14 та корхона ва ташкилот томонидан таклиф этилган турли ишларга жойлашди. Уларнинг 84 нафари ёшлардир.

●Жондор туманидаги Навгади маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида болалар учун янги спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Майдончани барпо этиш учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди.

● Навоий вилоятининг бир қатор жойларида очилган ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларида 1200 дан ортиқ киши таълим олди. Яна 80 нафар ўсмир ва қизлар «Камолот» ЁИҲ ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ҳамкорликда амалга оширилган «Янги билимлардан — янги истиқболларга» лойиҳаси доирасида бизнес асосларини ўрганишди.

● Марғилон шаҳридаги «Механика заводи» очиқ акциядорлик жамиятида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда техника воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, «Д-20 Таишан» 200 русумли Хитой трактори ҳамда «МарЭМ-60» русумли уч ғилдиракли электромотороллер эҳтиёт қисмлари Хитойдан келтирилиб, заводнинг йиғув цехида 38 та трактор тикланди.

● Шўрчи тумани марказида «Автодунё» савдо мажмуаси ишга тушди. Унда автомашина ва тракторлар учун барча турдаги эҳтиёт қисмлар сотилмоқда ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам ташкил этилди. Энг муҳими, 30 нафар ёш йигит-қизларга муқим иш ўринлари очилди.

● Қарши туманида ташкил этилган «Temur-Chin» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига бир кеча-кундузда 3800 дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ўрнатилди. Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар маҳаллий хом ашёдан турли рангдаги шифер тайёрлаш имконини беради.

### ЖАҲОНДА

●Италия Республикаси Президенти Жоржо Наполитано мамлакат Сенати бошлиғи Франко Маринига мувaққат ҳукумат тузиш вазифасини топширди. Бунинг учун Маринини парламентдаги барча партиялар қўллаб-қувватлаши лозим.

●Кеча Грузия парламенти Бош вазир В.Гургенадзе бошчилигидаги ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади.

●Чеченистон Президенти Рамзон Қодиров республикада жангарилар устидан бутунлай ғалаба қозонилганини эълон қилди.

●Кеча эрталаб Туркиянинг Истанбул шаҳрининг Европа қисмида жойлашган тўқимачилик фабрикаси ва яна бир нечта фирмалар ўрин олган 5 қаватли бинода иккита кучли портлаш рўй берди. Портлаш натижасида бинонинг 3,4,5- қаватлари қулаб тушди. Натижада 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 117 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозир бу ерда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш ушбу бинода жойлашган пиротехника воситаларини ноқонуний тарзда ишлаб чиқарувчи корхонада рўй берган.

●Францияда такси ҳайдовчилари томонидан уюштирилган оммавий иш ташлаш мамлакат кўчаларини бир кунга ҳаракатсиз ҳолга келтириб қўйди. Таксичилар ҳукумат томонидан такси хизматлари бозорини эркинлаштириш, рақобатни ошириш ва бепул лицензия тарқатиш қарорининг қабул қилинишига нисбатан ўз норозиликларини билдиришган.

●Франциянинг ҳарбий кемаси Либерияга қарашли балиқ овловчи кемани қўлга олди. Ушбу кема текшириб кўрилганда, ундан 2,5 тонна кокаин гиёвандлик моддаси топилди.

●Кеча эрталаб Афғонистон пойтахти Кобул шаҳри марказида содир этилган портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлган, яна бир киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

●«Panasonik» компанияси Лас-Вегасда бўлиб ўтаётган «2008 International CES» номли маиший электроника кўргазмасида жаҳондаги энг катта плазмали дисплейни намойиш этди. Унинг ҳажмлари 1080 pHD стандарти ўлчамларидан тўрт баробар ортиқ бўлсада, тасвирлар сифати ва ёруғлиги бўйича ундан кам эмас.

● Дунёдаги энг қимматбаҳо бино Ҳиндистонда бунёд этила бошланди. 1 миллиард доллар қийматга эга ушбу бинони йирик тадбиркор қураётган бўлиб, у 188 метр бўлади ва 27 қаватни ўз ичига олади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида ёшларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишлаб уюштирилган давра суҳбатида фаол аёллар, ёшлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирок этишди.

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Чақар» маҳалласида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган семинар «Қизлар ва ҳуқуқ» деб номланди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида замонавий рақс тўгараги аъзолари иштирокида «Ким чиройли рақсга тушади?» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

●**КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Аёл, жамият ва ёшлар» мавзуида уюштирилган анжуманда талабалар, ўқитувчилар ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг аъзолари иштирок этишди.

●**КЕЧА** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорликларида санъатга қизиқувчан, иқтидорли ёш ижодкорлар ўртасида уюштирилган «Энг яхши сценарий» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

●**КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари иштирокида уюштирилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

●**КЕЧАдан** шаҳримизда баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги тур беллашувларига старт берилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Транспорт*

## ЯНГИ ЛОКОМОТИВЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА



**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА ЖУДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР БЎЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮКЛАРИНИ ТАШИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ, ЯНГИ ЙЎЛЛАРНИ БАРПО ЭТИШ, МАВЖУД ЙЎЛЛАРНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ҲАРАКАТ ТАРКИБЛАРИНИ ЯНГИЛАШ ҚАТОРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ СОҲАСИГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. БУНГА ТОШКЕНТДАН САМАРҚАНД, БУХОРО ВА ҚАРШИ ЙЎНАЛИШИДА ҚАТНАЁТГАН «РЕГИСТОН», «ШАРҚ», «НАСАФ» ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАРИ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.**

Ушбу тезюрар йўловчи поездлари ўз номига мос ҳолда йўлларда соатига 100-160 километр ва ундан ҳам ортиқ тезликда бемалол ҳаракатлана олади. Бу эса йўловчилар талабига мос келиб, уларнинг чарчамай, зерикмай, энг муҳими, вақтдан ютишларига омил бўляпти.

Илгари хабар берганимиздек, айнан мана шу мақсадни кўзлаб, Ўзбекистон темир йўлларида фойдаланиш учун Россия Федерациясининг Коломна шаҳридаги тепловозсозлик заводида ишлаб чиқарилган янги, барча қулайликларга эга локомотивнинг дастлабкиси юртимизга келтирилди. Ушбу ТЭП70БС русумли локомотивлар йўловчи поездларини тортишга мўлжалланган-дир.



Улар ҳозирда йўловчи поездларни тортишда фойдаланиб келинаётган тепловозлардан фарқли ўлароқ, 2 ёки 3 секциядан эмас, машинист ва унинг ёрдамчиларига икки томонда ҳам кабинаси мавжуд бўлган битта секциядан иборатдир. Кабина «КЛУБ» деб номланган хавфсизлик тизимини ўз ичига олган электрон бошқарув мосламаси билан жиҳозланган. Ҳавонинг доимий мўътадиллигини таъминлаш учун унга совутиш ва иситиш мосламалари — 2 та печка, кондиционер ўрнатилган. Ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи барча замонавий асбобларга эга. Локомотивни бошқаришда махсус компьютер тизими мавжуд. Машинист кабинасидаги олдинги ва ён ойналари, ҳатто ташқаридаги кўриш ойнасигача иситилади ва бу уларни совуқда музлаб қолишига, кўришнинг хиралашишига йўл қўймайди. Дизел тизимидаги сув, ёғ ва ҳаво ҳароратларини компьютердаги тегишли тугмачани босиб тезлик билан кўриш мумкин. Умуман, компьютер дизел тизимидаги барча асбобларнинг ишини кўрсатиб туради. Кабинага жуда қулай иккита кресло ўрнатилган. Двигател шовқини эшитилмайди. Энг муҳими, атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатилмайди.

Янги локомотив 4000 от кучига эга бўлиб, бу олдинги локомотивлардан 1000 от кучига қувватлироқ демакдир. У жўнаш пайтида ўрнидан оҳиста қўзғалади ва 2ТЭ10М русумли тепловозлардан фарқли равишда, соатига 100 километр эмас, балки конструкцияда белгиланган 160 километр тезликка бемалол эриша олади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг бир гуруҳ мутахассислари Коломна тепловоз ишлаб чиқариш заводига бориб, ушбу локомотивни бошқариш ва ишлатиш бўйича ўз малакаларини ошириб қайтишди. Улар Коломнадаги локомотивнинг синов тадбирларида қатнашиб, уни бошқаришда муайян тажрибага эга бўлишди.

— Ушбу ТЭП70БС русумли тепловозлар асосан Тошкентдан Бухорога ва Қаршига қатновчи тезюрар йўловчи поездларга хизмат кўрсатади. Янги тезюрар экспресс поездлари қатнови йўлга қўйилган ҳозирги шароитда олинган тепловознинг афзаллиги ниҳоятда каттадир. Энг муҳими, келгусида ушбу йўналишда қатновчи тезюрар поездларнинг йўлда юриш вақтлари янада қисқариб, фойдаланишдаги сарф-харажатлар, ёнилғи-мойлаш материалларини тежашда ҳам катта имконият яратилади, — дейди Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собиров.

Локомотивнинг пештоқига 046 рақами ёзиб қўйилган. Демак, бундай замонавий тепловозларнинг 45 таси Коломна заводида ишлаб чиқарилиб, Россия темир йўлларига фойдаланиш учун берилган бўлса, қирқ олтинчиси эса Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб бизга — Ўзбекистон темир йўлларига келтирилди.

— Бизнинг темир йўлларимизда уч йил олдин 1950-1960 йилларда ишлаб чиқарилган эски тепловозлар юрар эди. Кейин Хитойда ишлаб чиқарилган 12 янги электровозлар олинди ва улардан ҳозирда мамлакатимиз йўлларида юк ва йўловчи поездларини тортишда самарали фойдаланиб келиняпти. Россиядан олинган ушбу ҳар томонлама қулай тепловозлар йўловчи ташишда ҳам ўз самарасини беришига ишонаман, — деди биз билан суҳбатда «Ўзбекистон» локомотив депоси бошлиғининг таъмир ишлари бўйича ўринбосари Ҳ.Очилдиев.

Янги локомотивнинг республикамиз аҳолисига самарали хизмат қилиб, компания ҳаракат таркибларининг янгиланишига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Адҳам ДАМИНОВ**

**СУРАТЛАРДА: янги локомотивда яратилган шарт-шароитлар ва унинг кўриниши.**

## ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**"ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ" ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ИККИ ДАВЛАТ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НОҲУКУМАТ ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИДИР.**

Мазкур жамиятнинг асосий вазифаларидан бири — Германияда Ўзбекистон ҳақида мустақил, суверен, демократик ва ҳуқуқий давлат, маданият, илм-фан ва тижорат йўналишларида фаол ҳамкор сифатида кенг ва холис тасаввурни шакллантириш, давлат тузилмалари ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Бундан кўзда тутилган мақсад доимий ахборот алмашинувини амалга ошириш, мамлакатимиз ҳақида ахборот-маълумот шаклидаги фондлар ва маълумотлар базасини яратиш, маданий-маърифий алоқалар бўйича конференциялар ва симпозиумлар ўтказиш, немис халқини Ўзбекистоннинг маданият, санъат, фан ва таълим соҳасидаги ютуқлари билан таништириш, бадиий жамоалар ва якка ижрочиларнинг концертларини, телеэшиттириш ва кинофильмлар намойишларини, тасвирий санъат бадиий асарлари кўргазмаларини, Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасига бағишланган турли тадбирларни уюштиришдир.

Бонн шаҳар "Германия — Ўзбекистон" дўстлик жамияти унинг доимий ҳамкори ҳисобланади. Бу икки жамият ўртасида мунтазам равишда делегациялар алмашиш йўлга қўйилган. Ана шу сафарлар туфайли ҳар икки мамлакат халқлари бир-бири билан янада яқинроқ танишмоқда. Бу эса икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга асос яратади.

"Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти ўз фаолиятини ГФРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, шунингдек, Гёте-институт каби академик алмашиш, талабалар ва ижодкор ёшлар учун таълимий дастурларни амалга оширишга кўмаклашадиган маданий муассасалар билан ҳамкорликда олиб боради. Ўзбекистонлик йигит-қизлар Германиядаги немис тили курсларида таълим олиш, бу мамлакатнинг маданияти, тарихий ёдгорликлари, қадриятлари билан танишиш, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан, санъат соҳаларида ўз тенгдошлари билан тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

«Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти, шунингдек, касб йўналишлари бўйича делегациялар алмашинувини ҳам амалга оширади. Хусусан, Германия сафари дастурлари иштирокчилар ихтиёрига кўра тузилади: улар учун у ёки бу соҳадаги немис ҳамкасблари билан учрашувлар ташкил қилинади. Натижада ўзаро муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун шартнома тузиш ҳам мумкин бўлади. Масалан, Ўзбекистон тадбиркор аёлларининг Германияга сафари ташкил этилди, улар тажриба алмашиш ва ўз билимларини такомиллаштириш имкониятига эга бўлди. Делегация аъзолари — ўқитувчилар ва олималар Бонн университетидаги иккита семинар машғулотларида шуғулландилар. Қўшма фаолият бўйича федерал вазирликда ўзбек тадбиркор аёлларининг Марказий Осиё минтақаси бўйича масъул шахслар билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда кичик бизнес имкониятлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигида эса шифокорларимиз немис ҳамкасблари билан мулоқотга киришдилар. Бундай учрашув ва мулоқотларда хорижлик ҳамкасблар билан истиқболдаги алоқалар учун замин яратилди.

*(Давоми 2-бетда).*

*2008 — Ёшлар йили*

# ФАОЛ ТАЛАБАЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЎЗ ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЁН ҚИЛИШЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА.**

Хусусан, «Истеъдод» жамғармаси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигининг 2005 йил 28 ноябрдаги қўшма қарорига биноан шаҳарча ҳудудида жойлашган таълим муассасаларида таҳсил олаётган истеъдодли, фаол талаба-ёшлар, талабалар турар жойларида фаолият кўрсатаётган талабалар кенгаши раислари ҳамда «Камолот» ЁИҲ фаоллари онгига миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини, ҳуқуқий- демократик жамият қуриш қадриятларини сингдириш, шунингдек, уларда раҳбарлик малакасини ташкил этиш, бошқарув ва қарорларни қабул қилиш, ёш раҳбарларнинг маданияти ҳамда уларда ўз-ўзини бошқариш, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш мақсадида «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курсининг ташкил этилиши ҳам ана шундай имкониятлар сирасига киради.

Мана икки йилдирки, ушбу қўшма дастур бўйича махсус курсларда ўқитиш анъанага айланиб, шу кунга қадар ҳудуддаги таълим муассасаларидан 200 нафардан ортиқроқ талаба-ёшлар курсларда ўқиб, ўз малакаларини оширдилар. Куни кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мажлислар залида ташкил этилган тадбир «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курсини тамомлаган 100 дан ортиқ талаба-ёшларга махсус сертификат топширишга бағишланди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Муҳиддинов, «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Р.Чориев, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари В.Қурбоновлар иштирок этиб йиғилганларни самимий табриклаб, сертификатларни ўз эгаларига топширдилар.

— Менинг ушбу сертификатни учинчи бор қўлга киритишим, — дейди Тошкент Давлат Техника университети 1-босқич магистранти Мирзо Орипов. — Ушбу сертификат менинг ҳаётимда, ўз истеъдодимни намоён қилишимда катта имкониятлар эшигини очди десам хато бўлмайди. Чунки ҳар бир қилаётган илмий ишимда, қолаверса менда раҳбарлик малака ва кўникмасини шакллантиришда катта туртки бўлди. Мазкур сертификатни уч бор қўлга киритган талаба бевосита жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида билим олиш, у ерда малака ошириш имкониятига эга бўлади. Мен ҳам ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб келажакда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бирида билим ва малакамни ошириб, мамлакатимиз равнақи учун ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ҳа, бугун ёшлар камолоти йўлида давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Ёшлардан эса биргина талаб— улар ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз истеъдодларини намоён қила олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Зоҳиджон АҲРОРОВ**

# ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Германияда турли соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар: ўқитувчилар, шифокорлар, сиёсатчилар, экологлар ва дизайнерлар ҳам жавоб ташрифи билан Ўзбекистонда бўлдилар. Улар учун Олий Мажлисда, Тошкент шаҳри ҳокимлигида, "Кундала" тиббий маркази ва Халқаро бизнес марказида учрашувлар уюштирилди.

"Сиз Германия ҳақида нималарни биласиз?", "Сиз Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?" мавзуларида викториналар мунтазам ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши кўмагида Бонн шаҳрида бўлиб ўтган "Сиз Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?" мавзуидаги викторина ғолиби Ўзбекистонга бепул сафар қилиш имкониятига эга бўлди.

Ўз навбатида учта мусиқий жамоа — Бухоронинг "Ипак йўли" триоси ва "Барокко" ансамбли, В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ёш ижрочилар гуруҳи Германияда сафарда бўлиб қайтди.

"Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти томонидан Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Германия бирлашган кун, Рождество шодиёналари кенг нишонланади. Тадбирларга Тошкентда фаолият кўрсатаётган Германия элчихонаси, немис маданий муассасалари, фирма ва ташкилотлари вакиллари таклиф қилинади. Бундай тадбирлар юртимизда йилларнинг номланишига ҳамоҳанг тарзда ҳам уюштирилади. Масалан, Меҳр-мурувват йилида "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти ташаббуси билан "Сименс" фирмаси томонидан Тошкент шаҳридаги 24-Меҳрибонлик уйига микроавтобус совға қилинди, болалар учун компьютер синфи жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари иштирокида "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти фаолияти мисолида ўтказилган "Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот" мавзуидаги давра суҳбати катта қизиқиш уйғотди. Учрашув дўстона мулоқот тарзида ўтди ва кўплаб саволларга жавоблар олинди.

Амалий санъат музейида Наврўз байрами нишонланиб, унга Тошкентдаги Германия элчихонаси, немис фирма ва муассасалари вакиллари таклиф қилингани, Ўзбекистон халқ санъати билан яқиндан танишув амалга оширилгани мисол тариқасида айтиб ўтилди. Кечага "Ўзбекистон" фольклор ансамбли аъзоларининг чиқишлари ўзгача файз бағишлади. Учрашув германиялик меҳмонларда ўчмас таассурот қолдирди.

"Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти фақат маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Таълим соҳасидаги дастурларга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида мунтазам равишда "Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик" семинар-тренинги ўтказилмоқда. Машғулотлар мутахассислар ва Ўзбекистон юрист аёллари жамоат бирлашмаси кўнгиллилари томонидан уюштирилди. Унинг иштирокчилари республиканинг янги Оила кодекси, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро қонунчилик ҳужжатлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Улар ишбилармонлик ўйини тарзида "Оила ва ҳуқуқ", "Гендер тенглик" каби масалаларни ўрганишди. Бундай кўчма семинарлар туркумини давом эттириш истаги билдирилди. Жумладан, навбатдаги машғулот учун германиялик аёллар билан биргаликда "Замонавий аёл имиджи" мавзуи таклиф қилинди.

2008 йилда "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти Германия ҳақидаги билимларни кенгайтириш бўйича маърифий ишларни давом эттиришни режалаштирмоқда. Фан ва таълим соҳасида "Ўзбекистондаги муқобил энергия манбалари" лойиҳасини амалга ошириш, шунингдек, "Германия — Ўзбекистон" жамияти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қуёш мосламаларини ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш кўзда тутилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар давом эттирилади.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**





*Кўргазмалар*

# ЎЛКА ТАРИХИГА ОИД НОЁБ АСАРЛАР

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ҲОЗИРДА УЛКАН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛОВЧИ ХАЗИНА БЎЛИБ, УНИНГ ИХТИЁРИДА АФРОСИЁБ ҚАЗИЛМА ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА ҚАДИМИЙ НОЁБ МЕЪМОРЛИК ОБИДАЛАРИДАН ТОРТИБ, ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРГАЧА БОР. МУЗЕЙНИНГ ТУРЛИ ТАРҚОҚ ВА БОЙ ХАЗИНАСИНИНГ ТЎПЛАНИШИ XIX АСРДАН АНИҚРОҒИ ЎША АСРНИНГ ОХИРЛАРИДАН БОШЛАНГАН.**

Бу катта бўлмаган хазина Ўрта Осиёга сафар қилган ва бир умр шу ерда қолишни афзал билган рус рассомларининг ижод маҳсули—санъат асарлари бўлиб, бугунги назар билан қаралса мазкур тўплам муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Самарқанднинг тарихий-меъморий музей-қўриқхонасида сақланаётган ноёб асарлардан ташкил топган кўргазма очилди. Мазкур кўргазма Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида ташкил қилинди.

Кўргазмада самарали ижод маҳсулини намоён этган рассомлар жамоаси томонидан яратилиб келинган, Ўзбекистоннинг ғаройиб тасвирий санъатини ўзида акс эттирган расмлар жамланган. Шунингдек, «биринчи тўлқин» рассомлар ижодида академизм, этнографизм ва экзотик йўналишлар нуқтаи-назаридан қаралса, улар қўллаган услуб илгарилари йўқолиб кетган бадиий услубларнинг умрини тиклади, қай тусда бўлса, шундайлигича намойиш қилди, хазинамизни қайтарди. Улар орасида Н.Карамзин, Р.Зоммер, С.Юдин, С.Дудин, И.Казаков ва бошқа рассомларнинг ижод намуналари бор.

—Ўн тўққизинчи асрда Туркистонга ҳар хил сабаблар билан келган рассомларнинг «иккинчи тўлқини» алоҳида аҳамиятга эгадир, —дейди Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик фанлари номзоди Л.Шостко.— Улар нафақат бу ерга келишди, балки Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти улар ижодининг айрилмас мазмунига айланди. 1910-1920 йилларда ушбу ўлкага келган рус рассомлари ижтимоий-маданий ҳаёт билан боғлиқ ҳаракатларда фаол иштирок этишга, Ўзбекистонда бадиий савод чиқаришда жонбозлик кўрсатишди. Ғайратли, ёш рассомлар бадиий ижоднинг турли оқимларига дахлдор, бир интилишда «янги аср» тасвирий санъатини барпо этишда якдил эдилар. Бундайлар орасида А.Николаев, П.Беньков, Н.Кашина, З.Ковалевская, В.Рождественский, М.Курзин ва бошқалар мавжуд эди. Улар қаторига шу ерда туғилган ёш рассомлар ҳам кирадилар. Ўрта Осиёга хос мумтозлик уларнинг изланишларида озуқа бўлиб хизмат қилди. Мазкур кўргазманинг улкан тарихий-маданий моҳияти томошабинларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, кўргазмадаги расмларни томоша қилар экансиз, рус рассомлари томонидан яратилган ўзбек халқи урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларининг нечоғлик оддий ва халқчил қилиб тасвирланганлигига гувоҳ бўласиз. Кўргазмадаги ҳар бир расм ўзига хослиги, такрорланмаслиги, бўёқларининг нафислиги билан ҳам эътиборингизни ўзига тортади.

Айнан шу куни Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Рус медаллари» кўргазмаси ҳам очилди. Ундан XVIII-XX асрда таъсис этилган медаллар ўрин олган бўлиб, улар турли материаллардан: кумуш, бронза, латун ва бошқа қотишмалардан тайёрланган. Бу медаллар ҳайкалтарошлик фаолиятининг ихчам самараси сифатида асрларга молик воқеалар ҳақида далиллик беради, давлат арбоблари, илм ва санъат намояндалари қиёфасини тарих саҳифаларида гавдалантиради.

Самарқанд Давлат музейида 2000 га яқин орден ва медаллар сақланади. Музей фондида Ўрта Осиё тарихига оид медаллар ҳам ўрин олган. 1891 йилда Москвада ўтказилган Ўрта Осиё кўргазмаси медали, 1892 йил Парижда бўлиб ўтган Халқаро кўргазмада берилган эсдалик унвон — Филатов асос солган Самарқанддаги шароб заводи шу медални олишга муяссар бўлган.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

# ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, МАМЛАКАТИМИЗДА ШАХС ВА ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ВА ОНГИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ТОМ МАЪНОДАГИ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН.**

Юртимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш — аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларининг аҳамияти беқиёс. 2007 йилда адлия идоралари ходимлари иштирокида оммавий ахборот воситалари орқали 43 мингдан ортиқ чиқиш қилинди.

Бу ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Ҳуқуқий мавзудаги энг яхши мақола" республика кўрик-танлови эълон қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ушбу танлов якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Танловга ҳуқуқшунослар, олимлар, журналистлар ва жамоатчилик вакилларидан мингдан ортиқ мақола тақдим этилди.

Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исматилла Йўлдошев биринчи, "Народное слово" газетасининг катта мухбири Машкура Зоҳидова иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Пардагул Матчонова ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси "Оила маросимлари маркази" директори Ўктамхон Қодирова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАЙЪАТИ ЙИҒИЛИШИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.**

"Uzinfocom" маркази директори Д.Раҳимов маърузасида фуқароларнинг ошиб бораётган ахборот эҳтиёжларини қондириш ҳамда кўплаб ахборот ресурслар орасидан маълумотни излашни енгиллаштиришни назарда тутувчи ҳукумат қарорига мувофиқ яратилган ягона ахборот ресурслари давлат ҳисобини юритиш

# АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ва рўйхатга олиш тизимидан фойдаланиш борасидаги иш якунлари тақдим этилди.

2007 йил давомида турли ташкилотлардан ҳозирги вақтда 57 номдаги ахборот ресурслардан иборат давлат реестрининг асосий рўйхатига киритиш ҳақида 33 қўшимча ариза келиб тушди. Маърузада давлат ахборот ресурсларини (ДАР) он-лайн тизимидан чиқариш борасидаги ишларни фаоллаштириш масаласига эътибор қаратилган, зеро, ҳозирги вақтда рўйхатга олинган ДАРларнинг озгина қисмидангина оммавий тармоқлар орқали фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга давлат маълумотлар базалари мавқеини белгилаш, шахсий маълумотларни ҳимоялаш борасида меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Давлат органлари сайтлари мониторинги натижаларига кўра, 2007 йил давомида давлат органлари сайтларидан фойдаланиш яхшиланиб, 90,2 фоизни ташкил этди. Айни пайтда ушбу кўрсаткични ошириш зарур.

ЎзААА соҳасининг барча корхоналари ўртасида самарадорлик ва ўзаро алоқаларни ошириш мақсадида бизнес-жараёнлар ва маълумотларни бирлаштиришнинг умумтармоқли автоматлаштирилган тизимини жорий этишни тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ТОШКЕНТДА ҲИНД-ЎЗБЕК ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЭЛЛИК ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН "ҲИНД-ЎЗБЕК ДЎСТЛИК КЕЧАСИ" БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Байрам кечасида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ражан Таййал, Республика маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев, "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти ходимлари, турли халқаро ташкилотлар ва Тошкентдаги хорижий элчихоналар вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, ҳиндшунослар иштирок этди.

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади, бу алоқалар юртингиз мустақилликка эришгач янги босқичда ривожланди, — деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ражан Таййал. — Ўйлайманки, бу каби байрам кечалари ўзбек ва ҳинд халқи ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳам маданий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига ҳисса қўшади. Сўнгги йилларда Ҳиндистонда ҳам Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ у ерда юртингиз тарихи ва маданиятига бағишланган халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Байрамда меҳмонлар эътиборига ҳинд маданият маркази талабалари томонидан катхак рақси, йога машқлари ҳамда ҳинд фильмларидан қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Машҳур ҳинд шоирлари ва драматургларининг шеърлари талабалар томонидан моҳирона айтилди. "Сабо" гуруҳи қизларининг "Фарғона рубоийси", "Хоразм рақси" ни ижро этишлари, уларнинг хоразмча либослар, безаклар ва дўппилар тақиб доира ҳамда ноғора садолари остида рақсга тушишлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Кеча якунида Лаъл Баҳодур Шастри номидаги ҳинд маданият маркази талабалари ватанпарварлик руҳидаги ҳиндча куй-қўшиқлардан иборат концерт дастурини намойиш этди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Иқтисодиёт*

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН СИФАТЛИ ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАБ, УЛАРНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИЗЛАНИШМОҚДА.**

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «UzSetGlobal» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасида республикамизнинг Фарғона водийсида ўсадиган табиий ўсимлик — люффа хом ашёсидан самарали фойдаланган ҳолда экологик тоза гигиеник мочалкалар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг мочалка ишлаб чиқариш цехи юқори қувватли чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар саъй-ҳаракати билан ойига 25-30 мингта маҳсулот тайёрланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турлари бугунги кунга келиб 30 хилдан ортиб кетди. Уларнинг шакллари турли хил бўлиб, катталар ва болаларга мўлжалланган. Экологик тоза ушбу маҳсулотлар инсон терисини парваришлашда, тозалигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Корхонамизда тайёрланаётган гигиеник мочалкалар ишлатишга ҳар томонлама қулай бўлиб, — дейди корхона менежери Виктория Кондратьева, — моҳир дизайнерларимиз уларнинг хилма-хил шаклларини ятратмоқдалар. Улар нафақат ишлатилганда терини тозалайди, балки уқалаш вазифасини ҳам бажаради.

Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини ички бозорда кўплаб савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб бериш баробарида, уларни Украина, Россия, Қозоғистон, Польша, Германия сингари давлатларга ҳам экспорт қилишмоқда. Ҳозирда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасидаги ишлар олиб борилмоқда.

# БЕТАКРОР МЕБЕЛЛАР УСТАСИ

**СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ, БУНИНГ УСТИГА КЎРИНИШИ ҲАР БИР ХАРИДОРНИНГ ДИДИГА МОС РАВИШДА ТАЙЁРЛАНГАН, БИР-БИРИГА ЎХШАМАЙДИГАН ТАКРОРЛАНМАС МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ХОНАДОНУ ИДОРАЛАРГА ФАЙЗ БЎЛИШИ, ШУБҲАСИЗ.**

Қарийб 20 йилдан буён турли мебель маҳсулотларини ўзининг моҳирона изланишлари билан яратиб келаётган уста ҳунарманд Бахтиёр Турдиев ҳозирда янги технологиялар асосида меҳнат қилмоқда.

— Мен тадбиркор сифатида шогирдларим билан бир неча йилдан буён маҳаллий хом ашё — ёнғоқ, чинор дарахтларидан фойдаланган ҳолда аркон услубида турли мебель маҳсулотлари тайёрлайман, — дейди Бахтиёр Турдиев. — Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, мустақиллик йилларида биз ҳунармандларга яратилган катта имтиёзлар, қулай шарт-шароитлар ҳунарга бўлган меҳримизни оширди, изланишларга ундади. Шу боис бўлса керак имкониятлардан фойдаланган ҳолда буюртмаларни ўзига хос тарзда тайёрлаяпмиз. Бугунги кунда мебелларимиз тури 25 тадан ошган бўлса, уларнинг хиллари кўриниши, ҳажми, рангига қараб ўзгариб бормоқда. Кўпроқ миллий услубда маҳсулотлар яратишга ҳаракат қиламиз. Шунинг баробарида уларни Европа услубига уйғунлаштиришга эътибор қаратамиз. Ана шунда маҳсулотларимиз ҳар қандай замонавий харидорнинг талабини қондиради.

Ҳунарманд уста шогирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ўзи истиқомат қиладиган маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандларига ҳунар сирларини мукаммал ўргатмоқда. Айни дамда устоз ва шогирдлар аҳолидан тушган буюртмаларни муваффақиятли бажаришмоқда. Шунингдек, улар янги турдаги шкаф ва стол-стулларни харидорларга тортиқ этишмоқчи.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# СИФАТЛИ, КЎРКАМ, ЗАМОНАВИЙ

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР БОИС, ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БӨРМОҚДА, ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИ ҲАМ ТЎЛА БАЖАРИЛМОҚДА.**

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият юритаётган «GARANT INVEST STROY» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулот — саноат поллари бемалол хорижники билан рақобатлаша олади. Буюртмачи талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларнинг дизайни, сифати, мустаҳкамлигига эътибор қаратилади.

Мазкур жамият цехларида ҳозирда полимер, саноат ҳамда манзарали поллар тайёрланади.

Эътиборли томони, замон талаблари асосида, масалан тиббиёт масканлари, озиқ-овқат саноати шохобчалари учун зарарсиз, гигиеник қопламали (бактерия, микробларга қарши ҳимояланган) маҳсулотлар, электр саноати, турли илмий лабораторияларга мўлжалланган антистатик қопламали (Европа стандартларига тўла мос ЕА, ESД қопламали) поллар тавсия этилади.

Жумладан, нозиктаъб мижозларга турли рангларда тайёрлаб берилиши билан жамият маҳсулотларининг харидоргирлиги таъминланмоқда.

# ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**ИЛДИЗИ УЗОҚ ЎТМИШИМИЗГА БОРИБ ТАҚАЛУВЧИ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ҲАМДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ БУГУНГИ ШИДДАТКОР АСРИМИЗДА ҲАМ БИЗЛАРНИ ЎЗИГА МАФТУН ҚИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. МОҲИР ҚЎЛЛИ ҲУНАРМАНДЛАР ОРАСИДА ЗАРДЎЗЛИК УСТАСИ ҲИСОБЛАНГАН НАСИБА РАҲМАТОВА БЕҚИЁС ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

Ёшлик йилларидан Насибадан зардўзлик санъатини мукаммал эгаллашга меҳр-муҳаббат уйғонди. Бухоро зардўзлик мактабининг усулларини сабр-тоқат, завқ-шавқ билан ўрганиши машаққатли муаллимлик касбини тўлдириш билан бирга, зардўзлик санъати унга битмас-туганмас ижодий илҳом бахш этди...

Ҳозирда, қўли гул ҳунарманд маҳалласидаги ёшларга зардўзлик сир-синоатларини эринмай ўргатмоқдаки, 9 нафар қиз-жувонлар келгусида моҳир зардўз бўлиб етишишни эзгу мақсад қилганлар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

